

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**мавзусидаги
Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман**

ТЎПЛАМИ

Бухоро, 2021 йил 19-20 ноябрь

БУХОРО – 2021

коллектордаги сув сатҳидан кўтарилиб кетса, у ҳолда резервуарлар қурилади ва бу резервуардаги сув насослар ёрдамида қабул қилгичга тортиб чиқарилади.

Зах қочиришдаги барча (кичик ва катта) сув кетказиш каналларининг оғзида, бирламчи ростлаш зовурларидан бошлаб то бош коллектор қабул қилгич билан туташганича сув сатҳи борган сари зинапоё сингари пасайиб бориши керак. Акс ҳолда катта зовурлардан сув окмай қўяди ва димланиб қолади, натижада территория захсизланмайди.

Районлараро бош коллектор, район, хўжаликлараро ва хўжалик коллекторлари захсизлантирилаётган территориянинг энг паст отметкали ерларидан катта нишаблик бўйлаб ўтказилади. Бош коллекторга бориб қўйиладиган ён сув кетказиш зовурлари (кичик тартибли коллекторлар) нинг тўғри жойлаштирилиши ва улар оралиғининг оптимал равишда танланиши фақат зах қочириш системасининг яхши ишланишининггина эмас, балки қурилиш қийматини камайтириш имконини ҳам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Н.Костяков. Основы мелиораций, Москва. Колос, 1961.
2. Ф.А.Бараев ва бошқалар. Мелиоратив тизимларидан фойдаланиш, Тошкент, Ўқитувчи, 2014.
3. Интернет маълумотлари

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ АГРОГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.А.Қодиров, О.Б.Шарипов
Бухоро давлат университети

Мамлакатимиз ҳудудида иқтисодий ва ижтимоий география фанининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни дастлаб бевосита табиий географик тадқиқотлар негизида яъни хўжалиги асосан аграр соҳага ихтисослашганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини районлаштириш билан боғлиқ ҳолда шакллана бошлаган. Ўрта Осиё ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган республикаимиз ҳудуди XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Чор Россиясининг манфаатлари нуктан назардан ҳудудий жиҳатдан кенг қамровли тадқиқ этила бошланган. Бу давр тадқиқотлари умумгеографик хусусиятлари билан ажралиб турар эди. Айниқса геологик, геоморфологик, метеорологик, гляциологик, геоботаник ва зоогеографик жиҳатдан олиб борилган тадқиқотлар натижасида улкан илмий ҳамда амалий аҳамиятга молик маълумотлар тўпланган. Ушбу тадқиқотлардан қўзланган мақсад ўлка ҳудудининг табиий географик шароити ҳамда ресурсларидан хўжаликни, хусусан қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишда фойдаланиш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, иқтисодий географик тадқиқотлар бўйича илк кадамларнинг қўйилиши айнан шу даврга бориб тақалади.

XX аср бошларига келиб мамлакатимиз ҳудудининг ер-сув, иқлим ва ўсимлик ресурсларини ўрганишга катта эътибор берилди. Бундан қўзланган мақсад Чор Россиясининг чекка ўлкаси бўлган Ўрта Осиё ва республикаимизнинг асосий хўжалик тармоғи бўлмиш пахтачиликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигининг хомашё етказиб берувчи бошқа тармоқларини шакллантиришдан иборат эди. Ана шу эҳтиёж туфайли географик тадқиқотларнинг мазмун-моҳияти ва ундан қўзланган мақсад ҳам ўзгариб борган. Натижада махсус ихтисослашган илмий дастур асосида анча мукамал ва тизимли тадқиқотлар олиб борила бошланган. Айрим географик районларни чуқур миқдорий таҳлил қилиш, уларни карталаштириш, ҳамда иқтисодий салоҳиятини аниқлаш бош масалага айланган. Ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги нуктан – назардан имкониятларини аниқлаш ва баҳолашга катта эътибор қаратилган. Бу борада қишлоқ хўжалиги тажриба станциялари (Тошкент, Мирзачўл, Андижон, Зарафшон, Фарғона), Россия ер тузиш ва деҳқончилик бошқармаси қошидаги “Ерлар ҳолатини яхшилаш

бўлими“, Гидрометрик бўлима, Туркистон Ҳарбий топография бўлими, Россия География жамиятининг Туркистон бўлими олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу муассасаларда фаолият олиб борган олимларнинг илмий фаолияти халқ хўжалигининг долзарб вазифалари – ер тузиш, обикдор деҳқончилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш, ер ости бойликларини излаб топиш, ер-сув ресурсларини баҳолаш ҳамда карталаштириш каби масалалар билан боғлиқ бўлган. 1906-1918-йилларда нашр қилинган “Туркистон кишлок хўжалиги“ журналида кишлок хўжалиги соҳасида олиб борилган тадқиқот натижалари ёритиб борилган. Бундай маълумотлар ўз навбатида республикамиз ҳудудиди XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб олиб борилган иқтисодий географик тадқиқотлар учун манба вазифасини ўтаган.

Ўзбекистонда мажмуали иқтисодий географик тадқиқотлар олиб бориш XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё фани тараққиётида пойдевор вазифасини ўтаган Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) га асос солинди (1918). Ана шу илм даргоҳида фаолият олиб борган олимларнинг ишларида Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиёнинг иқтисодиётига оид тадқиқот натижаларини кўриш мумкин. Бу даврдаги иқтисодий географик тадқиқотлар кўпроқ Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг умумий таърифига бағишланганлиги билан ажралиб туради. Бу йўналишдаги тадқиқотларда энг аввало Г.Н. Черданцев ва В.М. Четиркинларнинг хизмати катта бўлганини эътироф этиш лозим. Чунончи, Г.Н. Черданцевнинг 1922 йилда ёзган Ўрта Осиё ҳақидаги монографиясида, 1928 йилда нашр этган Ўрта Осиё республикаларига бағишланган китобида, В.М. Четиркин ва Ю.И. Пословскийларнинг 1926 йилда ёзган Ўзбекистон халқ хўжалигининг аҳволи ва ривожланиши борасидаги асарида Ўрта Осиё ва Ўзбекистон иқтисодий географияси ҳамда иқтисодий географик районлаштирилишига оид маълумотлар келтирилган. 1944-1948 йилларда иқтисодий география кафедрасининг мудир сифатида фаолият олиб борган В.М.Четиркин турли вилоятлар табиати табиий шаронти ҳамда табиий ресурсларини хўжалик нуқтан-назаридан ўрганишга ва ёш географ олимларни тайёрлашга катта эътибор берган.

Маълумки, Ўрта Осиё собиқ Иттифокнинг йирик кишлок хўжалик райони эди. Шунинг учун ҳам иқтисодий географик тадқиқотларнинг диққат марказида кишлок хўжалик ишлаб чиқаришнинг оқилона жойлаштириш ёки ҳудудий ташкил этиш ва иқтисодий географик районлаштириш масалалари ётарди. Кишлоқ хўжалигини иқтисодий географик районлаштиришда мажмуалилик ҳамда табиий шаронт нуқтан-назаридан таърифлаш муҳим ўрин тутар эди. Шунингдек бу тадқиқотлар аниқ амалий мақсадларга қаратилганлиги ва кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришнинг жойлаштирилишининг илмий асоси сифатида ишлаб чиқилганлиги билан муҳим аҳамият касб этар эди.

XX аср 30 йилларида олиб борилган иқтисодий географик тадқиқотлар асосан мамлакат ҳудудидаги табиий бойликларни ўрганиш ҳамда ишлаб-чиқариш кучларини жойлаштириш масалаларига бағишланган. Шу даврда яъни 1933 йилда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш мавзuida республикамизда дастлабки илмий амалий анжуман ўтказилди.

Республикамизда иқтисодий географиянинг шаклланишидаги кейинги босқич 1940 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да иқтисодий география кафедрасининг очилиши ҳамда 1943 йилда ушбу йўналиш бўйича аспирантуранинг очилиши билан бошланди. Шу тарика республикамизнинг тўнғич олий таълим даргоҳида иқтисодий география соҳасидаги дастлабки агрогеография илмий мактаби шаклланиб бошлади.

53	F.H.Jumayev, Z.Atayeva. Dukkakli ekinlar tuproq unumdorligini oshirishining ilmiy asosi.	108
54	N.H. Hakimova, M. Akramov Peshku tumani qishloq xo'jaligi muammolari va ularni yechimiga doir tavsiyalar.	110
54	N.X. Hakimova, U.R.Islomova. O'zbekistonda qishloq xo'jaligini rivojlantiruvchi omillar.	111
55	F.H.Jumayev, Z.Atayeva, A.Narzullayev, I.Fozilov, S.A.Hojiyev. Buxoro viloyati sharoitida dukkakli ekinlarni tuproq unumdorligini oshirishdagi ahamiyati va o'rni.	113
56	Z.Abdushukurova, S.Sidikov, N.Tashmetova, Sh.Nafetdinov. Jizzax ch'li sh'rlangan tuproklarining agromeliyorativ xolati va unumdorligini oshirish tadbirlari.	115
57	X.R.Alizova Tuprok unumdorligi va uni muhofaza kiliш xususida.	117
58	M.Botirov, G.Usmoнx'jaeva. Bedani eкиш va бедапойни шудгорлаш муддатларини tuproқдаги гумус ҳамда озика моддалар микдорига таъсири.	118
59	Sh.X.Tuxtaev, Zh.U.Xudoyberdiyev. Tuproқдаги фойдали хашаротларнинг аҳамияти.	122
60	R.Kurvanov, M.Musurmanova, M.Istamova. Влияние мульчирования при гребневом посеве на рост развитие хлопчатника.	123
61	Sh. X Tuxtaev, Sh.N.Norbоеva Стафилинидларнинг биологияси ва кўпайиш манбалари.	126
62	T.E.Ostonakov, O.X.Murodov. Зарафшон водийси шаронтида помидорнинг такрорий экинга мос нав ва гетерозисли дурагайлари.	127
63	T.E.Ostonakov, I.X.Amanturdiyev, A.A.Shamshev, F.S.Tursunov. Батат филиал нави асосий ва такрорий экин сифатида турли муддатларда ўстирилганда ўсиши, хосилдорлиги ва сакланувчанлиги.	129
64	T.E.Ostonakov, X.I.Saidmurodov. Ўта эртаги картошка етиштиришда нав, экиш муддати ва мульчаланнинг аҳамияти	131
65	T.E.Ostonakov, Sh.M.Xolmurodov. сабзавот ва тишсимон маккажўхори навлари агротехнологиясида макбул суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларини ўрни.	132

IV ШЎБА СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ТОПОГРАФИК ВА ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ

66	X.K.NAMAZOV, O.N.PAJANOV, U.T.MAXMUDOV. Вторичное засоление почв Республики Каракалпакии и пути их предупреждения	135
67	X. Namazov, Y.Koraxonova, O.Amonov. Sh.Nafetdinov. A brief characteristics of soil layer in mirzachul region.	138
68	X.NAMAZOV, YU.KORAXANOVA, Sh.NAFETDINOV. Определение методов моделирования динамики геоэкосистем почв Узбекистана.	143
69	O.N.PAJANOV, U.T.MAXMUDOV, Sh.NAFETDINOV, RAHIMOVA M.A. Сезонное и постоянно пятнистое вторичное засоление и пути их предупреждения и ликвидации.	146
70	S.S.Shodiyeva, D.I.Bo'riyeva Qishloq xo'jaligida agregatlardan foydalangan holda sug'orma dehqonchilik samaradorligini oshirish.	150
71	X. X. Turdikulov, O.O. Mamatqulov, B.M. Axmedov. Tuproqlarning sho'rlanishini oldini olishda zovurlashgan tarmoqlarning ahamiyati.	152
72	S.S.Shodiyeva, D.I.Bo'riyeva Qishloq Xo'jaligini Kartlashtirish.	153
73	S.Sidiqov, N.Abdurazzoqov. Geoaxborat tizim texnologiyalari asosida tuproqlarning agrokimyoviy xaritonamalarini tuzish va ulardan amalda foydalanish.	156
74	A.N. Asadullayev, M. M.Akramova Geoekologik muammolarning inson salomatligiga ta'siri (qorako'l vohasi misolida).	157
75	Z.M.Aнварова. Ўзбекистон tuproқлари ва улардан кишлок хўжалигида самарали фойдаланиш.	159
76	Ch.Z.Kodirovna, I.Xaydarova, S.Xolmamadov. Суғориладиган ерлардаги суғориш техника ва технологияси.	161
77	A.A.Kodirov, O.B.Sharipov. Ўзбекистонда дастлабки агрогеографик тадқиқотлар ва уларнинг йўналишлари.	164
78	D.Jh.K'chqorova. Кишлоқ ландшафтларини жойлаштиришнинг кишлок хўжалигига таъсири.	166
79	I.E. Mirzoyeva, M.H. Hamroyeva. O'rta osiyoda tarqalgan tuproqlarni o'rganishning geografik jihatlar.	167